

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА  
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ  
В XXI ВЕКЕ И ЗНАЧЕНИЕ В НИХ  
ИННОВАЦИЙ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ  
ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори Хударган  
Мавлонов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган**

**Республика илмий анжумани материаллари  
(2021 йил 15 апрель)**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ В XXI ВЕКЕ И  
ЗНАЧЕНИЕ В НИХ ИННОВАЦИЙ  
МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская конференция, посвящённая к 75-летию профессора  
кафедры биологии и методики её преподавания Хударгана Мавлонова  
(15 апреля 2021 года)**

**Жиззах-2021**

**УДК: 581.5 (09)**

**ББК: 28.58 Г**

**Э-59**

**“XXI асрда Биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари**

Жиззах 2021. – 498 бет.

**Таҳрир хайъати:**, проф. п.ф.д. Ш.С.Шарипов, таҳрир хайъати раиси б.ф.н. доц. Қодиров Ғ., таҳрир хайъати ўринбосари проф., б.ф.д. Раҳмонқулов У. доц., б.ф.д. (PhD) Азимова Д.Э. б.ф.д. (PhD). Авалбоев О.Н. б.ф.д. (PhD). Абдуллаева Н.С. б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т. Усанов У.Н.

**Тўплам редакторлари:** б.ф.д.(PhD)., доц. Азимова Д.Э., б.ф.д.(PhD). Авалбоев О.Н., б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т.

*Ушбу тўплам Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Республика илмий анжумани материалларидан иборат.*

*Уларда флора, систематика ва юксак ўсимликлар географияси, биологикхилма-хилликни ўрганиш ҳамда ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси, ўсимликлар қоплами, ресурсларини ўрганиш, структуравий ботаника, экология, интродукция, сув ва қуруқлик ценозлари ҳайвонларни ўрганиш, паразитлар ва энтомокомплекслари шакллантирувчи, ҳаракатлартирувчи тадқиқотларнинг замонавий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.*

*Мақолалар тўплами илмий ҳодимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахасислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.*

**Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида нашрга тавсия этилган.**

# HAZOPAT VA PAQOBAT NAV SINASH MAIDONIDA YRGANILGAN NAV VA TIZMALARNING QIMMATLI BELGI VA XUSUSIYATLARI

У Ш. Каршиева, Ф. Олтибоева, Х. Амонов  
Самарканд ветеринария медицинаси институти

*Аннотация.* Для создания высокоурожайных короткостебельных сортов озимой пшеницы, устойчивых к болезням и условиям внешней среды, и имеющих высокий потенциал продуктивности, необходимо изучение исходного материала на основе которого можно создавать новые селекционные сорта.

*Summary.* To create high-yielding short-stemmed varieties of winter wheat, resistant to diseases and environmental conditions, and having a high potential for productivity, it is necessary to study the source material on the basis of which new breeding varieties can be created.

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Давлатимиз иқтисодиётини мустақкамлашнинг ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ бугдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бугунги кундаги галлачиликда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё аҳолисининг нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда донли экинлари ичида бугдой дони асосий хом ашё ҳисобланади. БМТ<sup>1</sup> халқаро ташкилотининг башоратига кўра жаҳонда умумий дон етиштириш 2 млрд 450 минг тонна атрофида бўлиб, шундан 2 млрд 194 тоннаси донли экинлар (бугдой, жавдар, арпа, сули, тритикале, шоли, маккажўхори, жўхори, тарик), 256 млн тоннаси дуккакли дон экинлари улушига тўғри келади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришиб, уни экспорт қилувчи санокли мамлакатлар қаторига кирди. Қишлоқ хўжалигида **дон ҳосилдорлигини ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар** тизимли амалга оширилиши эвазига республикада 2018 йилда 6 млн 124 минг тонна, 2019 йилда 8 млн. 377 минг тонна ташкил этди.

Бугдой жаҳоннинг 130 га яқин мамлакатларида етиштирилади. Кўплаб бугдой экиладиган мамлакатлар: АҚШ, Россия, Украина, Франция, Италия, Испания, Польша, Хитой, Сурия, Ироқ, Қозоғистон, Ўзбекистон.

Шунинг учун юмшоқ бугдойнинг калта пояли, ётиб қолишга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ноқулай иқлим шароитларига бардошли ва ҳосилдорлиги юқори навларни яратиш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистоннинг сугориладиган ерлар шароитида кузги юмшоқ бугдойнинг калта пояли ётиб қолишга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ноқулай иқлим шароитларига бардошли ва ҳосилдорлиги юқори навларни яратиш, уларнинг биологик хусусиятларини илмий асослаш, уругчилик тизимини такомиллаштириш

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

-географик келиб чиқиши турлича бўлган юмшоқ бугдой жаҳон коллекциялари нав намуналарини морфологик, биологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича танлаш;

- серхосил, қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларига эга бўлган калта пояли юмшоқ бугдой нав намуналарини танлаш;

- юмшоқ бугдойнинг географик узоқ шакл (F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub>) дурагай бўгинларида сариқ занг касаллигига чидамлилигини авлоддан авлодга ўтиш хусусиятларини ирсийланишга боғлиқлигини аниқлаш;

**Тадқиқот объекти** сифатида халқаро илмий марказлари ICARDA (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas), International Maize and Wheat Improvement Center (CIMMYT, Мексика), Одесса селекция ва генетика ИТИ (Украина), Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия) Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти, ва И.Г.Калиненко номидаги Бутун Россия донли экинлар илмий-тадқиқот институтидан олинган жаҳон коллекцияси нав намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари умумқабул қилинган услублари асосида, кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (1984), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ, 2007) олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги Б.А.Доспехов (1985) бўйича математик - статистик таҳлил услуби ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида таҳлил қилинган.

Назорат кўчатзорида 130 та юмшоқ бугдой тизмалари назорат навига нисбатан эртапишар, 83 таси сариқ занг касаллигига чидамли бўлиб, № 36/2018, № 22/2018, № 71/2018, № 67/2018, № 91/2018 тизмалари юқори ҳосил бериши билан бирга сариқ занг касаллигига чидамли эканлиги аниқланди.

Рақобат нав синовида Семуруг нави ва КП №183/2017, КП № 52/2017, КП № 83/2018, КП № 85/2017, КП № 125/2017, КП №184/2017 тизмалари ҳосилдор, қургоқчиликка, иссиқликка ва касалликларга чидамлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Рақобатли нав синаш майдонида илмий тадқиқот таҳлиллар натижасига кўра 1000 дона дон вазни ўртача 44,1 грни, дон хажми ўртача 813,5 г/лни, назорат Замин-1 навида 1000 дона дон вазни 41,2 гр, дон хажми 802,1 г/лни ташкил этди.

Рақобат нав синовида Истиклол-20 нави - 46,2 гр, Семуруг нави 54,6 гр, қуйдаги тизмалар КП №183/2017 – 47,4 , № 158/2014-48,5, № 29/2017 - 44,8, КП № 83/2017 – 48,5, КП № 85/2017 – 48,2, КП № 153/2017 - 47,7 , КП № 184/2017 - 48,2 граммни ташкил этиб, назорат “Замин-1” навда (41,2 гр) бўлганлиги аниқланди .

Рақобатли нав синаш майдонида илмий тадқиқот натижасига кўра бугдойнинг дон ҳажм огирлиги 777,1 г/л дан, 836,6 г/л гача бўлиб, КП № 183/2017 (836,6 г/л), № 83/2016 (836,2 г/л), КП 52/2017 (836,6 г/л), 184/2017 (833,5 г/л) тизмалари назорат “Замин-1” навга (802,1 г/л) юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги аниқланди.

## 2 -жадвал

### Рақобатли нав синаш майдонида ўрганилган юмшоқ бугдой нав ва тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари. (Ғаллаорол.2018 й)

№	Нав ва тизма номи	1000 дона дон вазни, (г)	Дон хажми, г/л	ҳосилдорлик, ц/га
1	Замин-1(назорат)	41,2	802,1	53,0
2	Краснодар-99(назорат)	36,0	801,5	46,0
3	Дурдона	36,3	821,3	47,3

№	Нав ва тизма номи	1000 дон дон вазни, (г)	Дон хажми, г/л	ҳосилдорлик, ц/га
4	Ғозгон	35,6	777,1	49,3
5	Истиклол-20	46,2	795,7	54,7
6	Семуруг	54,6	797,4	60,4
7	КП-183/2017	47,4	836,6	67,4
8	№158/2014	48,5	817,9	55,2
9	№219/2014	43,4	820,1	57,0
10	№ 29/2016	44,8	829,4	60,3
11	№83/2016	43,9	836,2	51,2
12	КП-52/2017	43,9	836,6	63,1
13	КП-83/2017	48,5	832,3	60,1
14	КП-84/2017	43,4	822,4	49,2
15	КП-85/2017	48,2	810,7	63,9
16	КП-125/2017	39,5	777,4	57,8
17	КП-153/2017	47,7	819,1	54,4
18	КП-184/2017	48,2	833,5	67,8
	<b>ЭКФ<sub>0,5</sub></b>	<b>37,1</b>		<b>35,6</b>

Сугориладиган ерларда рақобат нав синовидаги нав ва тизмаларнинг гектарида олинган ҳосилдорлик 46,0-67,8 центнерни, ўртача ҳосилдорлик эса 56,1 центнерни, ҳосилдорлиги ўртача назорат “Замин-1” навида 53,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, Семуруг-навида 60,4 ц/га, қуйдаги тизмаларда КП №183/2017 - 67,4 ц/га, № 29/2017- 60,3 ц/га, КП № 52/2017 -63,1 ц/га, КП № 83/2018 - 60,1 ц/га, КП № 85/2017 - 63,9 ц/га, КП № 125/2017 -57,8 ц/га, КП №184/2017- 67,8 ц/гани ташкил этиб, назорат навга нисбатан дон ҳосилдорлиги 4,8 дан 14,8 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ-521-сонли «Уругчилик тўғрисида»ги.Тошкент..-Б. 25-30.
2. Амонов О.ЖўраевД.,.Созданиевысокоурожайных и засухоустойчивых и сортов озимой мягкой пшеницы // Вестник сельскохозяйственной науки Казахстана.. 2016.
3. Омонов А.А. Ўзбекистонда дон етиштиришнинг ҳолати ва истиқболлари. Ўзбекистонда бугдой селекцияси, уругчилиги ва етиштириш технологияси ТошДАУ. Тошкент, 2004.

## MUNDARIJA

### 1-SHO'BA. BIOLOGIYANING ASOSIY MUAMMOLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

1	Х.Қ. Хайдаров, М.М. Норкулов. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЛИШАЙНИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИШ ТАРИХИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАР.....	3
2	У Ш. Каршиева, Ф. Олтибоева, Х. Амонов. НАЗОРАТ ВА РАҚОБАТ НАВ СИНАШ МАЙДОНИДА ЎРГАНИЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ БЕЛГИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.....	6
3	Халмирзаева Л.Б., Ф.Ш. Абдурасулов. ЎФИТЛАШ ВА БАРГДАН ҚЎШИМЧА ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ УНАБИ КЎЧАТЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	8
4	Ш.Х. Юсупова И.И. Зокиров. ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАР ( <i>LEPIDOPTERA</i> ) – НЎХАТНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ.....	11
5	Бобаева А.С., Халилов Х.Р., Синдоров Ш.Қ. ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАР ГЕНОФОНДИДАН ТАБИИЙ ЯЙЛОВЛАР ХОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	13
6	Р.К. Ғуломов. <i>PHLOMOIDES ISOCHILA</i> (RAZIJ ET VVED.) SALMAKITUРИГА ( <i>LAMIACEAE</i> ) ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
7	Х.Х. Солижонов, З. Иззатуллаев. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЗУЛУКЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ.....	21
8	Шоэргашова Ш.Ш., Каримов Э.Б., Латышева Л.Н., Оллоберганов <sup>1</sup> Ш. ОЦЕНКА СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КАЧЕСТВА ВОДЫ РЕКИ ЗАРАФШАН ПО УРОВНЮ ЗАГРЯЗНЕНИЯ МИНЕРАЛЬНЫМИ СОЛЯМИ.....	23
9	М.И. Алимова, Н.Б.Эгамбердиев, Б.Р. Насибов. УНИЧТОЖЕНИЕ МИКРООРГАНИЗМОВ ВЫЗЫВАЮЩИЕ ГНИЕНИЕ ПИВОВАРЕННОГО ЯЧМЕНЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ ОЗОНА.....	27
10	Мавлонов Х, Раҳимова М, Холмирзаева А. ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	29
11	N. T. Xamrayeva, U. S. Sotiboldiyev, O. Sayfiyev. POLIFAG ZARARKUNANDA CHIGIRTKALAR VA ULARGA QARSHI KURASH CHORALARI.....	32
12	Махаммადийев D.M., Mavlonova S.X., Aberqulov E.A., Alimov A. A. JIZZAX SHAHAR FLORASIVA UNI O'RGANILISHI.....	34
13	Z.X. Almamatova, B. Qo'shmatov. ATROF-MUHITNING BIOEKOLOGIYASI.....	38
14	D.I. Mustafaqulova, O. Ismatullayev, G.F. Malikova. BIOLOGIYANI SAVZAVOTLARSIZ TASAVVUR QILIB BO'LMAYDI.....	40
15	Э.Э. Икромов, Э.Ф. Икромов. КЎЛ БАҚАСИНИ <i>CENTRORHYNCHUS ALUCONIS</i> LUNE, 1911 АКАНТЕЛЛАСИ БИЛАН ЗАРАЛАНИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	44